

Самарканд ш.

« 21 » ОКТЯБР 2022 йил

«Отабек» МЧЖ, кейинги ўринларда “Ишлаб чиқарувчи” деб юритилади. Ўзининг низоми, асосида иш юритувчи директори Эгамбердиев Ф.Р., номидан, бир томондан ва Каттақургон Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат саломатлиги техникуми, кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади, Ўзининг низоми, асосида иш юритувчи раҳбар Нурназаров Э.Н номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. Ишлаб чиқарувчи ўзи ишлаб чиқарган товар (маҳсулот)ни ушбу спецификацияга асосан Буюртмачига ўз вақтида сифатли қилиб етказиб бериш, Буюртмачи эса товар (маҳсулот)ни қабул қилиш ва ушбу Шартномада белгиланган муддатларда тўлаш мажбуриятини олади.

№	Товар (маҳсулот) номи		Ў.Б	Сони	Нархи 15% ККС билан	Умумий суммаси ККС билан
1	Кровать односпальная с матрасом	ММ 030	шт	100	1143100	114310000
2	Парта (стол ученический с 2 мя стульями)	УМ 388/ NEW2020	комп	105	1276500	134032500
Жами:						248342500

1.2. Шартноманинг умумий суммаси 248342500 (Икки юз кирк саккиз миллион уч юз кирк икки минг беш юз) сўмни ташкил қилади шу жумладан ККС 32392500 сум.

2. ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР ШАРТЛАРИ

2.1. “Буюртмачи” мазкур шартномани ғазначилик бўлини масида рўйхатга олинган кундан бошлаб 30 банк иш куни ичида қонунчиликка мувофиқ, шартнома умумий суммасидан 30% миқдорида (шартнома суммасидан 30% миқдорида) олдиндан тўлаш мажбуриятини олади, қолган 70% ни товар (маҳсулот)ни олгандан сўнг 15 банк иш куни ичида қабул қилиш-топшириш далолатномаси, ҳисоб-фактура ва в.б. асосида тўлайди.

2.2. “Ишлаб чиқарувчи” аванс маблағлари Ишлаб чиқарувчининг тегишли ҳисобварағига келиб тушган вақтдан бошлаб 30 кун ичида товар (маҳсулот)ни етказиб бериш мажбуриятини олади.

2.3. “Ишлаб чиқарувчи” амалдаги ГОСТ га мувофиқ товар (маҳсулот)ни етказиб бериши шарт.

2.4. “Буюртмачи” товар (маҳсулот)ларни қабул қилишда “Ишлаб чиқарувчи” иштирокида олинаётган товар (маҳсулот)ларнинг тўлиқлигини ва сифатини шартноманинг 1.1-бандида кўрсатилган товар (маҳсулот)ларга мувофиқлигини текшириши шарт.

2.5. Агар мазкур шартнома билан бошқа ҳоллар кўзда тутилмаган бўлса, товар (маҳсулот)ларни ташиш ва тушириш бўйича барча харажатлар Ишлаб чиқарувчи ҳисобидан амалга оширилади.

2.6. Буюртмачининг розилигига кўра товар (маҳсулот) муддатидан олдин етказиб берилиши мумкин.

2.7. Етказиб берилган товар (маҳсулот) бевосита Буюртмачининг масъул ходимлари томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади ва унда етказиб берилган товар (маҳсулот)ларнинг миқдори, унинг сифати кўрсатилади.

2.8. Мазкур шартномада кўзда тутилган товар (маҳсулот)ларни етказиб бериш, мазкур шартномага мувофиқ амалга оширилади.

3. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Буюртмачининг ҳуқуқлари:

Ишлаб чиқарувчидан шартномани бажариш учун зарур бўлган давлат стандартлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

Буюртмачи ҳисобидан товар (маҳсулот)лар ташиб келтирилганда, Ишлаб чиқарувчидан транспорт харажатларини қоплаб беришни талаб қилиш, агар мазкур шартноманинг шартларида бошқа ҳоллар белгиланмаган бўлса;

Ишлаб чиқарувчидан мазкур шартномага мувофиқ, тегишли сифат, ассортимент бўйича товар (маҳсулот)ларни етказиб беришни талаб қилиш;

Сифатсиз товар (маҳсулот) етказиб берилганда ўз ихтиёрига кўра қуйидагилардан бирини талаб қилиш:

- тегишли сифатдаги шунга ўхшаш товар (маҳсулот) билан алмаштириб бериш;

- камчиликларни беғараз бартарф этиш;

- Ишлаб чиқарувчидан мазкур шартнома шартларини бажармаганлиги ёки тегишли даражада бажармаганлиги натижасида етказилган зарарни қоплаб беришни талаб қилиш.

3.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

- мазкур шартномага мувофиқ етказиб берилган товар (маҳсулот)ларни қабул қилиш;

- товар (маҳсулот)ларнинг қийматини мазкур шартномада белгиланган нарҳда ва муддатда тўлаш.

3.3. Ишлаб чиқарувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- “Буюртмачидан” олдиндан тўлов ва етказиб берилган товар (маҳсулот)лар учун якуний ҳисоб-китобларни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида кўзда тутилган тартибда ва ҳажмларда амалга оширишни талаб қилиш;

- Буюртмачидан шартномага мувофиқ, етказиб берилган товар (маҳсулот)ларни асосиз равишда қабул қилмаслик натижасида етказилган зарарларни қоплаб беришни талаб қилиш.

3.4. Ишлаб чиқарувчининг мажбуриятлари:

- Буюртмачига товар (маҳсулот)ларни мазкур шартномага мувофиқ белгиланган муддатда, миқдорда ва сифатда етказиб бериш;

- агар товар (маҳсулот)ларни етказиб бериш жараёнида Ишлаб чиқарувчи шартнома шартлари ва меъёрлардан ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигидан четга чиқишга йўл қўйган ҳолларда Буюртмачининг талаби бўйича 5- кун муддат ичида барча аниқланган камчиликларни беғараз бартараф этиш.

3.5. Мазкур шартнома белгиланган тартибда мазкур шартнома шартлари ва талаблари ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигига мувофиқ ижро этилиши шарт.

3.6. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг ижросини таъминлаган тақдирда шартнома бажарилган ҳисобланади.

4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИКЛАРИ

4.1. Товар (маҳсулот)ларни танлаб олмаслик, шунингдек Ишлаб чиқарувчи шартномада белгиланган муддатда (даврд) уларни етказиб берганда товар (маҳсулот)ларни олишни асоссиз равишда рад этганлик учун Буюртмачи Ишлаб чиқарувчига танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товар (маҳсулот)лар қийматининг 5 фоизи миқдорида, тез бузиладиган товар (маҳсулот)лар бўйича эса — 10 фоиз миқдорида жарима тўлайди.

4.2. Товар (маҳсулот)лар танлаб олинмаган (олиш асоссиз рад этилган) ҳолларда, Ишлаб чиқарувчи жарима ундиришдан ташқари, ушбу товар (маҳсулот)лар мавжудлигининг кафолатларини тақдим этган ҳолда, танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товар (маҳсулот)лар қиймати тўланишини талаб қилишга ҳақлидир.

4.3. Тўлов талабномаси акцептини асоссиз равишда бутунлай ёки қисман рад этганлик, шунингдек ҳисоб-китобнинг бошқа шаклларида товар (маҳсулот)лар ҳақини тўлашдан бош торганлик (банк муассасасига тўлов топшириқномасини тақдим этмаганлик, чек бермаганлик, аккредитивни тақдим этмаганлик ва ҳоказо) учун буюртмачи маҳсулот Ишлаб чиқарувчига ўзи тўлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

Етказиб берилган товар (маҳсулот)лар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун буюртмачи Ишлаб чиқарувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

4.4. Ишлаб чиқарувчи:

- миқдор, сифат, техник параметрлар, шунингдек тақлиф этилаётган товар (маҳсулот)ларни етказиб бериш муддатлари ва жойи бўйича Ишлаб чиқарувчи шартнома шартларининг буюртмачи назарда тутилган шартларга мувофиқлиги;

- шартнома шартларининг бошқа бузилишлари;

- тузилган шартнома шартларининг бажарилмаганлиги учун жавоб беради.

4.5. Агар етказиб берилган товар (маҳсулот)лар сифати, ассортимент ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) қонун ҳужжатларида ёки хўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, Буюртмачи (буюртмачи) товар(маҳсулот)ларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, Ишлаб чиқарувчидан сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган товар(маҳсулот)лар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга, агар товар(маҳсулот)лар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган товар(маҳсулот)лар етказиб берганлик учун жарима Ишлаб чиқарувчидан акцептсиз тартибда ундириб олинади.

4.6. Товар(маҳсулот)ларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган, товар(маҳсулот) Ишлаб чиқарувчи Буюртмачига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товар(маҳсулот)лар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товар(маҳсулот)ларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслик, оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

4.7. Марка белгиси қўйилмаган ёки лозим даражада маркировка қилинмаган товар(маҳсулот)ларни, шунингдек идишсиз ёки ўралмаган товар(маҳсулот)ларни ёхуд тегишли идишга жойланмаган ёки лозим даражада ўралмаган товар(маҳсулот)ларни етказиб берганлик учун Ишлаб чиқарувчи Буюртмачига бундай товар(маҳсулот)лар қийматининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Товар(маҳсулот)лар қабул қилингандан кейин яна жўнатилиши ёки сакланиши керак бўлган ҳолларда Буюртмачи жарима ундиришдан ташқари, ўз кучи билан, лекин Ишлаб чиқарувчи ҳисобидан товар(маҳсулот)ларни ўрашга ва идишларга жойлашга, ёхуд бир шаҳардаги Ишлаб чиқарувчидан товар(маҳсулот)ларни ўраб бериш ёки идишларга жойлаб беришни талаб қилишга ҳақлидир.

5. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

5.1. Келишмовчиликлар ва баҳслар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

5.2. Томонлар келишмовчилик ва баҳсларни ҳал этиш учун бевосита Иқтисодий судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

5.3. Томонлар иқтисодий судга мурожаат қилган тақдирда, суд иши даъвогар жойлашган манзилдаги Иқтисодий судда кўриб чиқилади.

6. ФОРС-МАЖОР

6.1. Форс-мажор натижасида мажбуриятларни бажарилмаслиги ҳолатлари келиб чиқса ва бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 15 февралдаги 63-сонли “Енгиб бўлмас куч (форс-мажор) ҳолатларининг мавжудлигини тасдиқлаш механизмини киритиш тўғрисида”ги қароридан кўзда тутилган шартларда томонлар ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажарилишидан озод этилади.

7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Ушбу шартномада томонларнинг кўзда тутилмаган ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан тартибга солинади.

8. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

8.1. Мазкур шартнома ғазначилик бўлинмаларида мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга кириди ва 2022 йил “31” декабргача амал қилади.

8.2. Шартноманинг амал қилиши бир томоннинг ташаббусига кўра ой (бир) давомида бошқа томонга ёзма ариза топширган кундан бошлаб, барча ўзаро ҳисоб-китоблар тугаганлиги муддатидан аввал тўхтатилиши мумкин. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган ҳолларда шартнома бажарилган ҳисобланади.

8.3. Шартноманинг амал қилиш муддатини тугаши томонларни жавобгарликдан озод қилмайди.

9. ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

“Ишлаб чиқарувчи”

“Отабек” МЧЖ

(мол етказиб берувчининг номи)

Манзил: Самарқанд вилояти, Самарқанд тумани
“Қоңигил” кишлоғи
Телефон: 99898 273-04-37, 99890 656-20-20
Х/р 20208000300577537001
Банк номи: ТИФ Миллий банки Самарқанд булими
МФО 00278
СТИР 200776951
ИФУТ 31010

Директор

М.Ў

Хуқуқшунос

Лицензия (диплом) № берилган санаси:

“Буюртмачи”

Каттакўрғон Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат
саломатлиги техникуми

(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил: Каттакўрғон шаҳар У.Хайём кўчаси 221 уй

Телефон: 55-703-05-32

ш/хр: 400910860184067092902054001

СТИР: 200722378

Газна: Молия вазирлиги ғазначилиги

Газна х/р 23402000300100001010

Ғазначилик СТИР 201122919

Марказий банк ХККМ Тошкент шаҳар, МФО 00014

Директор

М.Ў

(имзо)

Нурназаров Э.Н

Саломатлиқ



Tadbirkorlik sub'ektlarini davlat ro'yxatiga olish, hisobga
qo'yishning xabardor qilish tartibi to'g'risida nizomga ilova
№6a

O'zbekiston Respublikasi Samarqand viloyati
SAMARQAND TUMAN HOKIMLIGI
Yuridik shaxsni davlat ro'yxatidan o'tkazish tog'risida.
GUVOHнома

Reestrtdagi tartib raqami № **303** **0000315**
2016 yil 29 Iyul

Mazkur guvohnoma yuridik shaxs:

Samarqand tuman hokimligida 1998 yil 31 iyul 404-K sonli qarori bilan "Otabek" mas'uliyati cheklangan jamiyati davlat ro'yxatidan o'tgan, 2005 yil 29 aprelda, 2007 yil 08 fevral kuni qayta davlat ro'yxatidan o'tgan ushbu kunda jamiyatning ustav fondi ko'payishi munosibati bilan qayta davlat ro'yxatidan o'tkazilib

«OTABEK» mas'uliyati cheklangan jamiyatiga berildi

	TXШТ
Tashkiliy-xuquqiy shakli:	152
	МШТ
Mulkechilik Shakli:	142
	МХОБТ
Davlat ro'yxatidan o'tgan kunidagi pochta manzili:	1718233812
	КТУТ
Yuridik shaxs kodi:	17226257
	ХХТУТ
Asosiy faoliyat turi	15271
	СТИР
Soliq to'lovchining identifikatsion raqami:	200776951



Qo'shimcha ma'lumotlar

YAGONA
DARCHA
MARKAZI

Yagona darcha markazi direktori :

F.Misirov

Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 162155 на приобретение Студетлар партаси ва ётокхона учун ортопедик матрасли кровать сотиб олиш

Способ проведения электронный

Дата 19.10.2022

Время рассмотрения 19.10.2022 10:36

Закупочная комиссия Каттакургон Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат саломатлиги техникуми, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	NURNAZAROV ERKIN NASIROVICH	Раис	Каттакўрғон Абу Али Ибн Сино номидаги жамоат саломатлиги техникуми
Секретарь комиссии	MUSAYEV AXTAM NOIMOVICH	Секретарь	Каттакўрғон Абу Али Ибн Сино номидаги жамоат саломатлиги техникуми
Член комиссии	JURAYEV FAXRIDIN RAYIMOVICH	аъзо	Каттакўрғон Абу Али Ибн Сино номидаги жамоат саломатлиги техникуми
Член комиссии	SHARIPOVA DILRABO NIGMATULLAYEVNA	аъзо	Каттакўрғон Абу Али Ибн Сино номидаги жамоат саломатлиги техникуми
Член комиссии	NIZAMOV MAMARASUL MURTAZAYEVICH	аъзо	Каттакўрғон Абу Али Ибн Сино номидаги жамоат саломатлиги техникуми
Член комиссии	XALIMOVA NODIRA ABDUG'APPOROVNA	аъзо	Каттакўрғон Абу Али Ибн Сино номидаги жамоат саломатлиги техникуми

- Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 19.10.2022 года № лота 162155.
Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 100.00 / Весовой коэф. ценовой части: .00)

Мин. балл: 55

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Кровать деревянная для взрослых
Подробное описание	Кровать состоит из металлического каркаса, головной и ножной спинки, боковых царг, под матрасник и ортопедического матраца. Металлический каркас выполнен из мебельной трубы квадратного сечения 25 x 25 и 40 x 20 мм, толщиной 1,2 мм. Каркас окрашен полимерно-порошковым покрытием. На ножки каркаса устанавливаются пластмассовые наконечники для предотвращения царапания поверхности пола. Ножная спинка, а также боковые царги кровати изготовлены из ЛДСП толщиной 16 мм (цвет согласовывается с заказчиком). Края деталей обрамлены кромочным материалом на основе ПВХ толщиной 2 мм. Под матрасник изготовлен из МДФ толщиной 6 мм. Под матрасник должен полностью покрывать низ матраса. Детали кровати из ЛДСП крепятся к металлическому каркасу при помощи сквозного болтового соединения. Ортопедический матрац изготовлен на основе пружинный блок. Размер кровати: 2000x800 мм.
Количество товара	100.00
Единица измерения	

Цена товара (услуги) за единицу	1 180 000.00
Стартовая сумма	118 000 000.00
Валюта	UZS

Наименование товара (работы, услуги)	Парта
Подробное описание	Стол: Каркас стола изготавливается из мебельной трубы с сечением 25x25, 50x30 мм толщиной 1,0 - 1,2 мм и металлического листа толщиной 0,6-1,0 мм (боковой часть) и покрыта полимерно-порошковой краской. Торцы труб закрыты полиэтиленовыми заглушками. Щитовые детали стола (столешница, экран, полка) изготавливается из ламинированного ДСП светлых тон. Углы столешницы закруглены, кромки столешницы облицованы ударопрочным кромочным материалом на основе ПВХ толщиной 2 мм. Кромки остальных щитовых деталей облицованы кромочным материалов на основе ПВХ толщиной 1 мм. Все детали стола каркасу крепятся при помощи сквозных болтов. Головка болта должна быть гладкой, без углов, выемок и заусенцев. Крепёжные детали не должны выступать за габариты стола. Стул: Каркас стула изготовлен из мебельной трубы квадратный сечением 25*25*1 мм на основе технологии гибки и сварки, окрашен полимерно-порошковой краской серого цвета, торцы закрыты полиэтиленовыми заглушками. Сиденье и спинки стула изготавливаются из гнутокл
Количество товара	105.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	1 320 000.00
Стартовая сумма	138 600 000.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги

Тип: Бинарное значение

Описание: солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО "Отабек"	20	1	20	Экспертная		
"SAXOVOTLI TEMUR" XK	20	1	20	Экспертная		

Критерий №2 ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги

Тип: Бинарное значение

Описание: ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги

Обязательность: Не критично

ООО "Отабек"	256 600 000.00	248 342 500.00 UZS	248 342 500.00	00.00	248 342 500.00	18.10.2022 13:57:27	0
"SAXOVOTLI TEMUR" ХК	256 600 000.00	253 500 000.00 UZS	253 500 000.00	00.00	253 500 000.00	19.10.2022 09:08:23	0

Итоговая оценка участников включая финансовый части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
ООО "Отабек"	85	0	85
"SAXOVOTLI TEMUR" ХК	75	0	75

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 162155 от 19.10.2022 года на приобретение Студетлар партаси ва ётоқхона учун ортопедик матрасли кровать сотиб олиш определила победителем:

ООО "Отабек"
200776951

и резервный исполнитель: "SAXOVOTLI TEMUR" ХК (301630189)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	NURNAZAROV ERKIN NASIROVICH	Согласен	
Член комиссии	JURAYEV FAXRIDIN RAYIMOVICH	Согласен	
Член комиссии	SHARIPOVA DILRABO NIGMATULLAYEVNA	Согласен	
Член комиссии	NIZAMOV MAMARASUL MURTAZAYEVICH	Согласен	
Член комиссии	XALIMOVA NODIRA ABDUG'APPOVNA	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП